



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 27 iyul №30 (463)

Sotuvda narxi erkin

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги хайъатининг 2001 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Агентлик Бош директори Ф.АБДУЛЛАЕВ бошқарди ва "Почта ва телекоммуникация корхоналарининг 2001 йил, биринчи ярим йиллик иш якунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг бориши тўғрисида" маъруза қилиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида алоқа корхоналарида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар ҳусусида маълумот берди.

Ўтган давр мобайнида почта ва телекоммуникациялар корхоналари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш борасида маълум ишлар қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида барча турдаги алоқа корхоналари томонидан 39,14 млрд. сўмлик даромад олинди. Ўтган йилнинг шу даврга нисбатан жўнатмалар ҳажми 27 фоизга, шаҳарлараро ва халқаро телефонда сўзлашувлар сони 2,3 фоизга, даврий нашрларни етказиб бериш ҳажми олти фоизга, хат жўнатмалари ҳажми икки фоизга ошган бўлса, телеграммалар ҳажми 15 фоизга камбди.

Асосий телефон аппаратларининг ортиши 20,5 минг рақамни ташкил этди ва 3421 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Корхоналарнинг дебиторлик қарздорлиги миқдори 1 июл ҳолатига 7463,9 миллион сўмдан иборат бўлиб, муддатли ўтиб кетган қарздорлик йўқ. Биринчи ярим йилликда 3421,1 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Лицензия келишувларининг қандай бажарилаётганини ҳусусида 110 хўжалик субъектида режалли текширувлар ўтказилди. Олти ой ичида сифат кўрсаткичларини бузганликларини учун 43

нафар раҳбар маъмурий жавобгарликка тортилди. Шикоятлар сони ўтган йилгига қараганда 22 фоизга камайган.

Фан-техника ва маркетинг талқиқотлари маркази томонидан ўттизта қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, саккизта илмий-тадқиқот ишлари йил охиригача низоҳисига етказилиши керак.

"Оналар ва болалар" йили муносабати билан барча корхоналарда талбирлар ишлаб чиқилган, жойларда шу асосда иш олиб боришмоқда.


Агентлик, акциядорлик компаниялари ва корхоналари ишида бир талай камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, "Промсвязь" ва "Наманган Телеком" акционерлик жамиятлари фаолиятидаги нуқсонлар мажлисда кескин танқид қилинди.

Муҳокамадорларда "Ўзбектелеком" АК бош директори А. Журабоев, "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори Р. Қосимов, "Промсвязь" АЖ бош директори Р. Валиев, "Қорақалпоқ почтаси" АЖ бош директори И. Маткаримов, "Наманган Телеком" АЖ бош директори К. Боқиев, "Жиззах Телеком" АЖ бош директори Ю. Ербобоев, "Жиззах почтаси" АЖ бош директори С. Саидмирзаевлар сўзга чиқиди.

Хайъат ишида "Почта ва телекоммуникациялар соҳаси корхоналарининг жорий йил биринчи ярим йиллик иқтисодий-иқтисомий ислохотларни чуқурлаштиришнинг бориши тўғрисидаги" маълумотлари тингланди ва бу борада тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, қурилиш материаллари саноати, транспорт ва алоқа мажмуа қотибати мудир ўринбосари С. Абдурахмонов қатнашди.

Иззат АХМЕДОВ



Икки олам бир қадам.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

Бандихон Сурхондарёдаги ўн тўрт туманининг энг кенжаси. У мустақиллик йилларида ташкил топган туманлардан бири.

1992 йили унинг ҳулулида атиги олтишита телефон абоненти бор эди. Бугун эса уларнинг сони 579 тага етган. Яқин вақтгача мавжуд олтига хўжалик қишлоқларида ми-

жозлар саноқлигига эди, ҳозир ҳар учинчи хонадон соҳиблари аввалгидек икки оғиз сўз учун ҳам марказий қўргонга қатнаб юриш ташвишидан қутулишди.

— Яқинда қишлоқ меҳнаткашларига яна бир қулайлик яратдик, — дейди "Сурхондарё Телеком" шўъба корхонасининг Бандихон

филиали директори Эшонкул ака Нурманов. — Ўн олтига "ЕТС-7" хитой ҳаво телефони ўрнатилгани туман қишлоқлари аҳли ва сув хўжалиги ходимларига анча қўл келмоқда. Энг муҳими, раҳбар ва мутахассислар бир-бирлари билан

• Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан

налли радио ўрнатишга киришилди. Ҳозиргача 100 дан зиёд оила шундай имкониятга эга бўлди. Эфир радиосининг қулайлиги шундаки, бунинг учун сим ёки симёғочларга эҳтиёж сезилмайди. Шунинг учун ҳам туманининг "Пахтакор", "Хўжайкон" ширкат хўжаликлари аҳолиси алоқа ходимларининг бундай байрамолди тўғрисидадан беҳад хурсанд.

Н. ЗИЁЕВ, жамоатчи мухбиримиз

АЛОҚАЧИЛАРНИНГ БАЙРАМ

СОВФАСИ

масофасиз боғланишиб, кундалик иш унуми самарадорлигига эришишмоқда.

Мустақилликнинг қутлуғ 10 йиллик байрами арафасида Бандихонликлар яна бир қулайликка эга бўлишди. Хонадонларга уч ка-

масофасиз боғланишиб, кундалик иш унуми самарадорлигига эришишмоқда.

Мустақилликнинг қутлуғ 10 йиллик байрами арафасида Бандихонликлар яна бир қулайликка эга бўлишди. Хонадонларга уч ка-

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕАЛАР • ХАБАРАЛАР

Жойларда жорий йил биринчи ярим якунлари ва мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган мажлислар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай йиғилишлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ўтказилди.

Ўзбек теннисининг маликаси Ирода Тулаганова кетма-кет иккита нуфузли мусобақада бош саврини кўлга киритиб, Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллик тўйига муносиб тўйна ҳозирлади.

Беларусь касба уюшмалари федерациясининг раҳбари В. Гончарик Беларусь президентлигига бўлажак сайловларда муҳолифат номзоди бўлди.

Россия Космик агентлиги раҳбари Юрий Коптев Халқаро Космик Станция лойиҳаси аъзо-

лари бўлган беш космик агентлик вакиллари иштирок этган йиғилишда Станция яқин олти йил орасида фазога сайёҳларни қабул қила олмаслигини маълум қилди.

Германия солиқ хизмати 33 ёшли солик теннис олузди Борис Беккерни 9 миллион фунт стерлингга тенг солик тўламаганликда айблаганмоқда. Маълум бўлишича, 90-йилларда у Монако князлиги фуқароси бўлса-да, асосан Германияда яшаган. Қонун бўйича эса у бу мамлакатда бир йилда уч ойдан зиёд яшаши мумкин бўлмаган.

Икким ўзгаришининг оқибати — талофатли офатлардан яна бири Хиндистонда рўй берди. Ориса вилоятида бир ҳафтадирки, кучли сув тошқини давом этмоқда. Метеорологларнинг таъкидлашича, Хиндистонда бундай жала 55 йил мобайнида биринчи марта содир бўлмоқда. Талафотларнинг чегараси йўқ.

1. Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида-миз. Ўтган вақт мобайнида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?

2. Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз мустақилликни мустақамлаш учун қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?

Иззатулла ТўРАҚУЛОВ, Давлат алоқа инспекциясининг санкциялаш ва шикоятлар билан ишлаш бўлими бошлиги.

1. Шўқрим, бу йил мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаймиз. Ўтган қисқа муддат ичида улкан ютуқларга эришдик. БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлдик. Республикамиз раънақи учун кенг имкониятлар ва шароитлар яратилди. Шунингдек, почта ва телекоммуникациялар соҳасида ҳам муҳим ўзгаришлар,

МУСТАҚИЛЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

янгиликлар бўлди. Масалан, чет эл инвесторлари томонидан очилган олтига қўшма корхона уяли радиотелефон алоқа хизматини ми-

жозларга тақдим этмоқда. Бу рақобатдошлик ва алоқа сифатини ошириш учун муҳим омил бўлмоқда. Тошкент шаҳрида жаҳон талабларига жавоб берадиган компьютерлар билан жиҳозланган почта алоқа зали ишга туширилди. Франкфурт — Шанхай оралигида ётқизилган оптик тонали Транс-Осиё-Европа линияси фойдаланишга топширилди. "ТШПТ" АЖ маълумотларни узатиш тармоғи ва билдинг марказининг ишга туширилиши аҳолига катта қулайликлар яратади деган умиддамиз.

2. Аслида ҳар бир одамнинг ўз

ишини сидқидилдан бажариши ҳам юрт раънақи учун ҳисса бўлиб қўшилади. Мен ҳам кўп йиллик меҳнат тажрибаларимни Давлат алоқа инспекциясида ёш ва ёрдамга муҳтож мутахассисларга ўргатипман.

Юртимизда ишлашимиз, янгилик яратишимиз учун кенг имкониятлар мавжуд. Ҳеч бўлмаганда бажараётган ишимизда бирор янгилик яратишга ҳаракат қилайлик.

Мақсадим билан, тажрибамдан келиб чиқиб, тез суратлар билан ўсиб бораётган почта ва телекоммуникациялар соҳасининг нозик силраларини ўрганиб бориш ва уни амалиётга талбиқ этиш.

Шўҳрат ИСМОИЛОВ
ёзиб олди

Фидойи инсон эди

Исрофил Ридванович Чакидзе билан бирга ишлаган ва ҳамнафас бўлган кишилар уни ҳамон соғиниб



билан эслайдилар. Ўзининг энг охирига нафасигача эл-юрт ташвишда яшган, унинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш илмин-жидда тушларни тонгларга улаган, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам шунга ундаган И. Чакидзе ҳаёт бўлганда 65 ёшни қаршилаган бўларди.

— Вилоят алоқачилари, муҳандис-техник ходимларининг Исрофил Чакидзе раҳбарлигида амалга оширилган кўп йиллик машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари Мустақиллик йиллари аниқ самараларини бера бошлади, — дейди "Бухоро Телеком" акциядорлик жамиятининг бош директори Шариф ХУДОЙБЕРДИЕВ. — Бу бунёдкорлик ишларининг ilk пойдевори Чакидзе виллоят алоқа тизимига раҳбарлик қила бошлаган 80-йиллар бошида қўйилган эди. У мавжуд алоқа тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берди.

Маълумки, собиқ совет тузуми даврида энг кичик бир режа тақдири ҳам Москва орқали ҳал бўларди. Марказдаги раҳбарларни у ёки бу масалага қўндиришнинг ўзи бўлмасди, албатта. Исрофил Чакидзеннинг иш қўлини билиши, юқори таъкилот раҳбарлари билан муомала маданияти, ақлу заковати, таъкилотчилик қобилияти қўл келди. У Ўзбекистон Мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ бозор иқтисодиёти шароитида алоқа тизими корхоналари учун ҳам хорижий технологиянинг аҳамияти нисбатда беқисс эканлигини тўғри тушуниб етган, ана шу катта мақсадлар учун тинимсиз сайт-ҳаракат қилган раҳбарлардан бири бўлди.

Исрофил Чакидзеннинг бежоси-та бошчилигида 1996 йили Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси би-

лан 9367,8 минг АҚШ доллари қий-матидagi шартнома имзоланиб, Бухоро шаҳридаги қуввати 30 минг рақамга тенг бўлган эски АТСлар ДТС—3100 русумли замонавий рақамли станциялар билан алмаштирилди. Туманларни Бухоро шаҳри билан боғлайдиган симёғочли линиялар ва эски кабеллар ўрнига 194 километр узунликда лазер нури билан ишлайдиган оптик толали кабеллар ётқизилди.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Исрофил Ридванович ҳар қандай муаммони босиқлик ва вазминлик билан енгил, камчиликларга муроасиз эди. Ғамхўр ва меҳрибон бўлиш билан бирга, айна пайтда қатъиятли, талабчан ва бир сўзи ҳам эди. Бошқа ходимлардан ҳам шунини талаб қиларди.

— Исрофил Ридвановичнинг ҳузурига қайси масала билан киришсангиз, қатъий назар, ҳаминча қониқли ҳосил қилиб чиқаришга, — дейди виллоят алоқа ходимлари бирашган касба уюшмаси қўмита-си раиси Умри ФАХРИДДИНОВА.

— Биргина ижтимоий муҳофаза масаласини олиб қўрайлик. Моддий ёрдамга муҳтож кишилар ташвишини у ўз ташвиши деб биларди. Ишчи-хизматчиларга ойлик иш ҳақларини мунтазам бериб бориш, бу борадаги узилишларга чек қўйиш, оромгоҳлар ва уларни таъмирлаш, алоқачиларнинг болаларини соғломлаштириш каби муҳим масалалар ҳаминча И. Чакидзе эътиборида эди. Барчасини ижобий ҳал этишга вақт топарди. Бирор муҳим ишни бажаришга киришгани, охирига етказмай қўймади. Ўта қуноқча, меҳнаткаш, фидойи инсон эди.

— Исрофил Ридванович билан роппа-роса 23 йил ишлашимга тўғри келган, — дея хотирлайди "Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти кадрлар бўлимининг бошлиғи Зухра ОДИЛОВА. — Кадрларни танлаш, уларнинг малакасини оширишга нисбатан катта эътибор берар эди. Айнақча ёшларга эътиборли ва ғамхўр эди. Масъулиятсизлик, лоқайдлик, ношудликни ёқтирмасди. Меҳнатда тобланишларни, ишлаб чиқаришда маълум малака ва кўникма орттиришларни ҳурмат қиларди. Менинг касбимга астойдил илос қўйишимда, жамоада ва ҳаётда ўз ўрнимин топшишимда шу азиз инсоннинг хизматлари катта бўлган. У нафақат талабчан раҳбар, балки самимий дўст ва яқин маслаҳатқўй ҳам эди. Ўзи ҳам дўстлигининг қадрига етарди. Ҳамма билан баб-барабар, самимий муносабатда бўларди.

• Ёднома

"Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти бош директорининг биринчи ўринбосари Ўрол Тўхтаев, ушбу акциядорлик жамияти Шофиркон филиалининг директори Шодмон Жумаев, Бухоро шаҳар филиали директори Музаффар Жумаев, "Бухоро Телеком" АЖ бўлим бошлиғи Толиб Ҳакимов каби алоқачилар И. Чакидзеннинг босиб ўтган ҳаёт йўли қўпчили-ка, айниқса ёшларга ибрат ва намуна эканлигини қайта-қайта таъкидлашади. Вапанта, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишга барчаси даъват этишади.

Исрофил Чакидзе уруш туга-гач, 1945 йили ўз оиласи билан Бухоро вилоятининг Шофиркон туманига олис Грузиядан келган. Шу ердagi ўрта мактабда таълим олган. Тошкент алоқа политех-никумиди, Тошкент электротехника алоқа институтини тахсил олган. Бухоро марказий телеграфда од-лий техник, катта электромеханик, телеграф муҳандиси, Бухоро ша-ҳар алоқа боламаси бошлиғи, Бу-хоро эксплуатация техник алоқа боламасининг раҳбари, Бухоро шаҳарлараро телефон алоқаси кор-хонасининг бошлиғи ва нихоят, виллоят ишлаб чиқариш техника алоқа бошқармасининг бошлиғи вазифаларида хизмат қилган. У бир неча бор халқ депутатлари Бу-хоро вилояти кенгашининг депу-тати этиб сайланган.

Исрофил Чакидзе "Моҳир ало-қачи" унвонининг соҳиб, қатор орден ва медаллар, Фахрий ёл-диқлар эгаси эди. Республикамиз Президентининг Фармони билан "Дўстлик" орденига сазовор бўлган. Исрофил Чакидзеннинг беҳаловат қайиб яшаш ва яратиб завоқи билан тошган, бутун ву-жуди янги оруз-нийатлар, қўтулғ истакларни рўёбга чиқаришга са-фарбар этилгандек эди гўё. Рес-публикамиз алоқа тизимини яна-да такомиллаштириш, уни жаҳон андозларига мос ҳолга келтириш, Ўзбекистоннинг дунё миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини яна-да юксаттиришга муносиб ҳисса қўйиш, мамлакатимиз салоҳияти ва қудратини ҳар томонлама оши-ришга қўмақлашиш Чакидзеннинг эзгу орзулари эди.

Бундай фидойи юртдошлари-мизнинг порлоқ хотираси қалб-ларда ҳаминча сақланиб қолади.

А. ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

• Бемга айтганининг захри ёйқ

Почта жўнатмаларининг манзилга ўз вақтида етиб борма-ётгани тўғрисида почта алоқаси ходимлари номига миҳоз-лардан жуда кўп шикоятлар келиб тушмоқда.

Аввало, ушбу муаммо Тош-кент шаҳридан виллоят марказ-ларига ҳамда виллоят марказ-ларидан Тошкент шаҳрига почта ва даврий нашрларнинг кечикиб келаётгани сабабли юзага келаётир. Почтанинг жўнатилиши "Ўзбекистон ҳаво

ётганлиги учун Навоий шаҳри-дан ёзма хат-хабарлар қопла-ри жўнатилиши 11 кунгача ке-чикканлиги тўғрисида маълум қилинган (хатнинг нуҳаси "Ўзбекистон почтаси" ДАҚа ҳам берилган). "Навоий почта-си" АЖ дан эса ушбу камчи-ликларнинг бартараф қилинган-

ХАТЛАР НЕГА КЕЧИКМОҚДА?

йўллари" ДАҚ корхоналари би-лан боғлиқ бўлганлиги учун по-чта алоқаси ходимлари почта жўнатмалари ва даврий на-шрларнинг ҳар доим ўз вақти-да, белгиланган муддатларда етказиб берилишини таъмин-лай олмадиклари мумкин. Аммо, жорий йилнинг 4-5 майида ёзма хат-хабарларнинг назорат муддатларида еткази-лиши юзасидан "Халқро почта-мат" АЖда текшириш ўтка-зилганда маълум бўлдики, му-аммонинг пайдо бўлишида ай-нан почта алоқаси ходимлари-нинг ўз ишларига эътиборсиз-ликлари ҳам сабаб бўлаётган экан.

Тошкент шаҳри ва виллоят марказлари ҳамда Нукус ша-ҳри ўртасидаги почта алмашу-ҳафтага беш мартабада ўтка-зилмоқда, аммо меъёрий ҳуж-жатларда асосан магистрал йўналишлар бўйича почтани ҳафта-сига етти мартабада ет-казиб бериш қўзда тутилган.

Почта алмашуларининг сони камайтирилганлиги сабаб-ли Андижон, Фаргона, Сурхон-дарё вилоятларидан жўнати-лан ёзма хат-хабарлар кечик-моқда. Масалан, 2001 йил, 29-30 июнда жўнатишган хатлар 4 июлда етиб келган. Шунингдек, 2001 йил, 5 июлда Жиззах ви-лоятидан келган ёзма хат-ха-барлар қопида 29-30 июнда жўнатишган оғдий ва буюртма хатларнинг ҳам мавжудлиги аниқланди. Аммо, республика-миздаги меъёрий ҳужжатларда қўрсатилгани бўйича Тошкент шаҳри ва виллоят марказлари орасида ёзма хат-хабарлар 72 соатда етказилиши лозим. Бун-дай тартибга амал қилиш ай-ниқса Навоий вилоятида жуда ачинарли аҳволда.

2001 йилнинг май ойида Давлат алоқа инспекцияси то-монидан "Навоий почтаси" АЖ раҳбариятига хат йўлланиб, ёзма хат-хабарларнинг жўнати-лишида камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, яъни почта-нинг йўналиш режаси бузила-

лиги, 2001 йил, 1 майдан бош-лаб барча ёзма хат-хабарлар Навоий шаҳридан ўз вақтида жўнатилаётган ҳақида жавоб олинди. Лекин "Халқро почта-мат" АЖ томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, ҳанузгача Навоий вилоятидан юборилаётган ёзма хат-хабар-ларнинг жўнатилишида камчи-ликлар учраб турибди. Масала, Навоий шаҳри почта ал-машуви бўлимида 2001 йил, 9 июнда бекитилган ёзма хат-ха-барлар қоплари Тошкент ша-ҳри "Халқро почта-мат" АЖ га 12 июнда етиб келган. Шунингдек, 2001 йил, 14 июнда бекитил-ган қоплар 17 июнда ҳамда 15 июнда бекитилган қоплар 19 июнда етиб келганлиги қайд қилинди. Айниқса, хат-хабар-лар Навоий вилоятининг Учқу-дук шаҳридан узоқ вақт орал-и-да етиб келмоқда. 2001 йил, 6 июнда ва 13 июнда бекитил-ган қоплар "Халқро почта-мат" АЖ га 2001 йил, 17 июнда етиб келганлигининг ўзи сўзимизнинг исботи учун етарли.

Барча қоплар қўриб чиқил-ганда, почта алоқаси корхона-ларида почта жўнатмаларини жўнатиш учун ўрнатилган та-рифдан кўп ёки кам тўлов ҳақи олиш ҳоллари ҳам маълум бўлди.

Ҳуллас, ёзма хат-хабарлар-ни жўнатиш почта алоқаси хиз-мати қўрсатувчи корхоналар-нинг ягона, асосий хизмат тури бўлишига қарамаздан, ҳанузга-ча қўнгилдагидек эмас.

"Ўзбекистон почтаси" Дав-лат акциядорлик компанияси-нинг акциядорлик жамиятлари раҳбарлари бундан тегишли ҳуқуқлар чикариб, корхона-ларда пайдо бўлган вазиятни яхшилаш учун жиддий чоралар қўриб чиқади деган умид-дамиз.

А. МАННОПОВА,
Давлат алоқа инспекцияси
почта алоқаси бўлими
бошлиғи

• Алоқа матбуот кўзгусида

ДОН КИХОТГА "МОБИЛЬ" АЛОҚА-НИ БЕРИНГ

Қозғоғистон шимолидаги бадавлат фуқаролар ораси-да совут қийиб ёки икки оёғида тик турган отда ке-таётган ҳолати тасвирлан-ган портретини ишлатиш одат бўлиб қолди. Ярим йил ичида рассомлар 50 дан ортқ шундай буюртма-ларни олишди. Бизнесмен-лардан бири эса суратда ўзини нафақат совутда, бал-ки қўлида уяли телефон би-лан бўлиш истагини бил-дирди.

Давлат алоқа инспек-цияси томонидан Ашур-бой Бектурдиевич РЎЗМЕТОВ номига бе-рилган ДАИ - RAB - 12037 сонли гувоҳнома йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЯНГИ АЛОҚА ТУРИ

Тошкент электротехника алоқа институтида корхоналар ва та-шкилотлар учун мўлжалланган Nicom 150 Е (Сименс) турдаги рақамли АТС элик иккита абоне-нтни HPSP модеми орқали "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖнинг транспорт ҳалқа тармо-ғига улаган.

Nicom 150 Е рақамли АТСдан HPSP модеми орқали оддий абоне-нт линияси паст частотали ка-белдан (бу ерда икки жуфт сим-дан) фойдаланилган. Ахборот ра-қамларини узатишдаги тезлиги 2 Мбит/сн таъкил қилиб, "ТШТТ" АЖнинг транспорт ҳалқа тармо-ғининг SMA-1 мультимплексори-га уланган. Ҳозирда Nicom 150 Е рақамли АТСни тўлиқ соғлаш ишлари аяқлангандан кейин у рақамли АТС — 137 (EWSP, Си-менс) билан боғланади. Шундан кейин ТЭАЙга 7 рақамли АТС—137 станция хизмат қила-ди ва рақамли АТСнинг вазифаси-ни бажаради.

Nicom 150 Е рақамли АТС-нинг энг афзал ва қўлайлиги шундаки, ҳажми кичик, енгил ва паст частотали ҳамда оптик тола-ли кабелларда ҳам ишлатас бўла-ди. Агарда бу АТС дан тўлиқ фой-

даланилса икки юзтагача аба-нентга хизмат қила олади.

Рақамли АТСнинг хизмат ва-зифаларига қўйиладиган қиради: — Манзилни олдиндан иккин-чи абонентга ўзи автоматик ра-вишда хабар қилиди;

— Шахсий компьютерларни улаб, узоқ масофадан ўқитиш ти-зимини ҳамда Интернетдан фойда-ланиш имкониятини яратди;

— Видеокомференц алоқаси, яъни видео алоқа — бу телефон симлари орқали яқин ва узоқ хо-рижий мамлакатлар билан видео алоқа ўрнатишлар. Видео конфе-ренц алоқасини сиз "ТШТТ" АЖ студиясидан ёки корхонангиздан ҳам таъкиллаштиришингиз мум-кин. Сизнинг доимий, хусусий студиянгиз яратилди.

Бундан хулоса шуки, корхона ва таъкилотлар DSL модемлар-дан фойдаланган ҳолда, рақамли коммутиация тизимини ўрнатиб, ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган, энг сифатли алоқа хизматидан фойдаланадилар.

А. САМАТОВ,
"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖ га қарашли станциялараро алоқа филиали кабел пайвандловчиси



Қарши шаҳридаги 4 - АТС ходими Фазилат ТУРДИЕВА станциянинг бонүксон ишлашига муносиб ҳисса қўшмоқ-да.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Самарқанд Телеком" шўъба корхонаси Иштихон филиали жамоаси корхона телефоници Татьяна ЗИЁЕВанинг 50 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, алоқа со-ҳасидаги ишларида ривож тилайди.

Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти жамоаси Вобкент филиали директори Абдурахмон ОРТҚОВНИ тутилган кўни билан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий тинчлик-хотиржамлик, ишларида омад тилаб қолади.

ИТЛАРИ БЎЛАДИЛАР

Баъзан одамлар қизларини турмушга чиқарадилар-у, қизлари аранмаган бахона сабабли эрлари билан жанжаллашиб, аразлаб, ўз уйларига қайтиб келади. Бу воқеага ота-онаси юзак қараб, дарров кўёв келини ажрим қилиб қўядилар. Натижада киз бахтсиз бўлиб қолади. Юсуфжон қизнинг бошига худди ана шундай қўруқлик тушган икки дўсти бўлиб, бир куни улар бозорда учрашиб қолишибди.

Дўстлари Юсуфжон қизка ўз дардларини сўйлаб турганларида, уларнинг рўпарасидан катта ит ўтиб қолибди. Юсуфжон ака дарров итга эгилиб салом берибди. Дўстлари хайрон бўлиб: "Ия Юсуфжон! Нега итга салом берибди?" деб сўрашибди.

Шунда Юсуфжон қизик: "Қизимиз турмушга чиққан маҳалланинг итлари бўладилар", — деб жавоб берибди...

БОЙ УЙЛАНДИ

Хасан Охунбой кўшни шаҳардаги Марайимбойнинг қизига уйлamoқчи бўлиб, Юсуфжон қизикни совчилкича юборибди. Юсуфжон қизик Марайимбойнинг қизига бориб, мақсадни айтди.

Бой почча, каминалари мulla Хасан Охунбойдан элчи бўлиб келганман. Элчига ўлим йўқ, деганлар. Рухсат этсангиз, у хазратнинг илтимосларини баён қилсам.

Мархамат, — деди бой, — у хазратнинг ҳар қанча илтимослари бўлса, бажо келтиришга ҳозирман.

Юсуфжон қизик бўялган соқолини тараб, ерга қаради:

ТАНДИР КИЙДИРИШ

Юсуфжон қизик Ёзёвондаги тўйларда беш-ўн кун юриб, чарчаб, Марғилонга қайтиб кетаётганида йўлда тўралар йўлини тўсибди:

Эрта туриб, индинга тўранинг тўйини ўтказиб кетасан, — дейишибди. Юсуфжон ақанинг қолгиси йўқ экан. Бирок тузукрок бахона тополмабди. Ахир "Ҳеч бўлмаса, уйга бориб, уст-бошимизни алмаштириб келайлик", дебди уста. Катта тўра рози бўлибди. Лекин Юсуфжон акага ишонамай, ёнига хизматкорларидан би-

рини қўшиб берибди. Хизматкор эса нима учун кетаётганини билмас экан.

Юсуфжон қизик Марғилонга етиб келганида, икки пешлик тандирини олиб, Катта тўранинг хизматкорларига кийдирибди-ю:

— Таксиримга узар айтгин, тўрт пешлиги йўқ экан, — деб тайинлабди. Бу "тўйингдан воз кечдим, тўра" дегани экан.

Хизматкор тўранинг олдида борганда, у юз берган воқеани тушуниб, "Сенга тандир кийдирибди-да", деб сўқинибди.

Бир куни куппа-қундузи Юсуфжон қизикнинг уйига ўғри тушибди. Ўғри шошиб-пишиб уйини тинтиб чиқибди, аммо ҳеч нарса тополмабди.

ҚИЗИҚ БИЛАН ЎҒРИ

Ҳафсаласи пир бўлиб, бошқа хонага ўтибди. Эшик тирқишдан қараб, нима гапчилигини билиб турган Юсуфжон қизик ҳеч нарса тополмай,

қуппа-қуруқ чиқиб келган ўғрини кўриб:

— Ассалому алайкум, иним!

Эшик бу ёқда эди-ю, сиз бўлсангиз овора бўлиб, деразадан тушиб ўтирибсиз-а, ҳўш, хизмат? — дебди.

— Шундай ўзим, сизни бир кўртим келган эди, — дебди ўғри.

— Бўлмаса, мана бу ерга

ўтириб, азиз меҳмоним бўлинг, — дея қизик ўғрини кўрпачага ўтказиб қўйиб, ўзи хонанинг ичида у ёққа чошибди, ўғрига ўхшаб ҳамма ёқни

титкилаб, тўс-тўполон қилиб, ҳеч вақо тополмагач, бошқа хонага чиқиб кетибди. Бир нафасдан кейин қайтиб чиқиб:

— Мени авф этинг, иним. Бу уйда сиз олиб кетишга ҳеч нима тополмаганингиздек, мен ҳам сизни меҳмон қилгудек ҳеч вақо тополмадим, айбга буюрманг, — дебди. Ўғри қизикнинг қилиқларидан нақд ўзини кўриб, бирдан шарақлаб қулиб юборибди.

— Ана, иним, бу улуг, супраси қуруқ хонадондан қулгудан бошқа нарсани тополмайсиз, — дебди қизик.

ЖАНГДАГИ ЙЎҚОТУВ

"Фарҳод ва Ширин" спектаклининг қўйилиши тўғрисида эълон чиққан, билетлар сотиб бўлинган эди. Ногоҳон Хусравнинг лашкар бошиси ролида ўйнайдиган артист бетоб бўлиб қолибди, унинг ўрнига иккинчи артист тайёрланмаган экан, артистлардан биттаси:

— Кўп хуноб бўлаверманг, ана, Охун қизикка сал-пал ўргатиб қўйсангиз эйлайти, эгичил, у, — дебди.

Режиссёр ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетибди ва Охун қизикни чақиртирибди.

— Шу ролни эпласангиз, мен сизни хурсанд қилардим, Охунжон ака.

— Эплаш ҳам гапми, қотириб юбораман, хотиржам бўлаверинг, — дебди Охун қизик.

Охун саркарда ролни жуда қой-

ил қилиб ўйнаётган эди, бирдан оғини қоклиб кетиб, йиқилиб тушибди, ёғоч от пачоқ бўлди.

Томошабинлар бунга эътибор беришмаган бўлса ҳам (улар ўзи шунақа бўлса керак деб ўйлашди), режиссёр шаддани торттириб, Охун қизикни қойиб кетди.

— Эйлайти олмас экансиз, нима қилардингиз шунтирибди. Энди қайси юз билан томошабинга қарайман!

Охун қизик қараса, режиссёр астойдил хафа бўладиган. Шунда у:

— Ахир Хусрав дилтаннинг шундай жангда битта ёғоч оти нобуд бўлмаса, жанг бўладими? — дебди.

Режиссёр қулиб юборибди.

III. ЭРТАШЕВ тайёрлаган

ДЎСТАИК ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАРДАН

- Тангрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали — бу одамлар билан дўстлашишдир.
- Тангри афв этувчидир ва афв этувчи кишиларни дўст тутати.
- Қора ташли халқларни ҳам дўст тутаверинглар, зеро улардан учтаси жаннат аҳлининг улугларидан бўлурлар: 1. Лукмони Ҳаким. 2. Нахшош (қадимий ҳабашистонлик мусулмон подшоҳ). 3. Муазани Билол Ҳабаши.
- Дўстининг енгироқ севгинки, куни келиб душман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманнинг ҳам енгироқ адоват қилгани, куни келиб дўст бўлиб қолиши мумкин.
- Ким-юмни дўст тутса, шу севгинини билдириб қўйсин.
- Кимикни Тангри дўст тутиб қолса, одамларнинг унга ҳождати тушадиган қилиб қўяди.
- Ерни турли номларига қараб таниб олиш мумкин бўлганидек, дўстини ҳам дўстига қараб билиб олса бўлади.
- Тангри саҳийдир, саҳийларни дўст тутати. Ахлоқли олий кишиларни ёқтириб, ахлоқсизларни ёқтирмайди.
- Дўстларнинг яхшиси — Тангрини зикр қилишда ёрдами тегадиган ва ёддан чиқарганида эслатадиганидир.

РЕЗИНКАНИ ЧЎЗМАЙ, ЧАЙНАНГ!

Резинка сақич чайнаш унчалик зарарли эмас. Аммо рекламаларда ёзилганидек, қариесдан ҳалос этмайди, тишларингизни дурдек оппоқ ҳам қилмайди. Лекин резинка сақич оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини анча вақтгача яхшилайд.

Инсоннинг оғзи лунжлар ҳаракати ва сўлак ажралиши ҳисобига ўз-ўзини тазалаб туриш хусусиятига эга. Сақич оғизда сўлак ажралиш тезлигини уч хисса оширади. Бундан ташқари, тиш қарашлари ажратадиган органик кислоталарни ней-

тралашда иштирок этади. Ниҳоят сақич чайнаганда тишларнинг устидаги овқат қолдиқлари кетади, лекин тиш ораларидаги бўшлиқлар тозаланмайди, қариес эса худди шу жойларда ривожланади. Лекин резинка сақичнинг ширини овқат ўрнини босмайди. Ҳар доим, айниқса оч қоринга сақич чайнаб юриш зарарлидир. Чунки бунда сўлак кўп ажралиб, гастритга сабаб бўлиши ва меъда ишини бузиши мумкин.

Бундан ташқари сақичдаги ширин таъмининг оғизда туриб қолиши тишларни мустаҳкамла-

май, балки емиради. Шунинг учун резинка сақични овқатланг бўлгандан кейин узогий билан 10-20 дақиқа чайнаш керак. Сақични кун бўйи чайнаб юриш зарарлидир.

ТИЛНИ ХАМ ТОЗАЛАШ КЕРАКМИ?

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, овқат егандан сўнг оғиз бўшлиғида тиш эмалини емирадиган қанд ва бошқа инградиентларнинг туриб қолиши ҳақида анча-мунча диссертациялар ёзилган. Улар асосан тиш қарашда ва тишнинг милкида йиғилади. Лекин 90 фо-

• Биласизми?

изгача қанд айнан тилда ушлашиб қолади. Ўзингизга маълум, бирорта ширинликни егандан кейин узоқ вақтгача оғзингиздан ширин маза келиб туради.

Тилда баланд ва нотекис юзга эга бўлган махсус сўргичлар бор, ширин нарсалар эса аввало шу ерда йиғилади. Мана шунинг учун ҳам тишларингизни тазалаганингиздан кейин тиш чўткасини бир неча марта тилингиз устида юргизсангиз яхши бўлади.



Денгиз юзини юваётир қуёш нурида.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Курулбой ТҮЛЕБОВ
Ёкубожон ХҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахриратга келган қўл-ёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2639.
4899 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.
Газета тахрират компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6